

# Куч-адолатда

Ал ила олам юзин обод қил

2022 йил  
7 январь,  
жума  
№ 1 (879)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## Инсон қадрини улуғлаш

унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш 2022 йилда ҳам давлат сиёсатининг энг устувор вазифаси бўлиб қолади

2021 йилни тарихга кузатиб, янги — 2022 йилни кутиб олар эканми, яқунланган йилда юртимизда барча соҳаларда эришилган ютуқларга назар ташлаймиш. Чунки ўтган йилда мамлакатимизда амалга оширилган туб ислохотларнинг асосий мақсади олий қадрият ҳисобланмиш инсон манфаатларини тўлиқ рўёбга чиқарилишига қаратилди.

Пандемия ва глобал инқирозга қарамай, юртимизда юқори иқтисодий ўсиш таъминланди. Кўплаб корхоналар, кластер ва технопарклар, замонавий инфратузилма тармоқлари барпо этилди.

Янги уй-жойлар, боғча ва мактаблар, олийгоҳ ва шифоналар, маданият ва спорт масканлари фойдаланишга топширилди. Энг муҳими, бу янгиланишларни одамлар ўз ҳаётида ҳис этди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, учинчи Ренессанс пойдеворини мустақамлаш йўлида дадил қадамлар ташланди. Ўзбекистоннинг халқаро мавқеи янада юксалди.

Ортдошларимиз онг-тафаккури янада ўзгарди, ўсди. Ўтган йил халқимизнинг

кўплаб эзгу хоши-истаклари ва орзу-умидларини рўёбга чиқаргани билан ҳаётимизда ёрқин из қолдирди.

Олдинда эса янги, кўламдор, сифат ўзгаришларини чуқурлаштирадиган вазифалар турибди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги Ўзбекистон — бу ҳали том маънодаги, биз орзу қилаётган, интилаётган Янги Ўзбекистон эмас.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригини тинглаб, 2022 йилда бу борадаги ишлар кўламини янада ошишига, Янги Ўзбекистонда инсонни эъзозлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, одамларни рози қилиш давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири



бўлиб қолишига ишонч ҳосил қилдим.

Давлатимиз раҳбарининг халқимизга йўллаган янги йил табригидаги қуйидаги сўзлари, айниқса, диққатга сазовор:

**"Юртимизда кенг кўламли ислохотларимиз барқарор тус олди. Уларни янада ривожлантириш мақсадида биз Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқдик. Унинг асосида "Инсон қадрини улуғлаш, деган улуғвор гоани амалга оширамиз. Биз янги йилга ном беришда, кенг жамоатчиликнинг фикрларини ўргандик. Ана шу таклифлардан келиб чиқиб, мен Янги — 2022 йилни мамлакатимизда "Инсон қадрини**

**улуғлаш ва фаол маҳалла йили" деб эълон қилишни таклиф этаман".**

Бу фикрга барчамиз бирдек қўшилаемиз. Боиси инсон қадрини улуғлаш — юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, демаскидир.

2022 йилга шундай ном берилиши беш йил муқаддам бошланган туб ислохотлар ортага қайтмаслигидан далолатдир. Чунки Янги Ўзбекистонда "Давлат — инсон учун" тамойили асосида инсон ҳуқуқларини мустақамлаш, одамларни рози қилиш ислохотларнинг энг устувор йўналишига айланди.

Бинобарин, бу борадаги

саяб-ҳаракатлар келгусида ҳам изчил давом этади. Уларнинг нечоғли самарадор бўлишида жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутди.

Шу жиҳатдан, яқинда мазкур тизимдаги ишлар янада такомиллаштирилиб, ҳар бир маҳаллани ҳокимликлар билан боғлаш мақсадида маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилган эътиборга лойиқдир. Президентимиз қайд этганидек, **жойларда раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оиллага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилишига эришимиз лозим.**

(Давоми 3-бетда) ►

### Жамиятимиз мақсади

## Янги Ўзбекистон тараққиётида хотин-қизларимиз алоҳида ўрин тутди

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга устувор аҳамият қаратилмоқда. Натижага оиллага, аёл зотида бўлган муносабатимиз тобора юксалиб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ҳаётимизнинг маъномаси, асосий мақсадида айланган.

Бугун Ўзбекистон аёллари барча жабҳаларда ўз ўрни ва муносиб мавқеига эга бўлиб бормоқда. Кейинги сайловларда юртимиз тарихида биринчи марта миллий парламент таркибидеги хотин-қизлар сони дунё миқёсида намунали кўрсаткичга кўтарилгани ҳам бу фикримизни яққол тасдиқлайди.

Гап шундаки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Сенатда бу кўрсаткич қарийб 25 фоизга етди. Ана шундай натижалар туфайли Ўзбекистон тарихида илк маротаба парла-



ментда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етиб, миллий парламентимиз аёндепутатлар ва сенаторлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-пононага кўтарилди.

Шунингдек, бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 27 фоизга, сиёсий партияларда 44 фоизга, олий таълим тизимида 40 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 35 фоизга етди.

Булар сўнги йилларда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш борасидаги тизимли ишларнинг самараларидир. Аини соҳадаги ишлар, хусусан:

- аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;

(Давоми 4-бетда) ►

Тарихий адолатни тиклаш, мустабид тузум даврида ноҳақ айбланган, мол-мулки мусодара этилиб, ўзлари қувғину қатағонга дучор этилган аждодларимизнинг номини оқлаш йўлида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

### Тикланган ҳақиқат

## Мустақиллик йўлида қатағон қилинган яна 120 нафар шахс оқланди



Президентимизнинг 2020 йил 8 октябрдаги "Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги фармойиши қабул қилингани бунга кенг йўл очди.

Фармойишнинг ижросини таъминлаш мақсадида қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Республика ишчи гуруҳи ва қатағон қурбонларининг номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича "Йўл харитаси"

тасдиқланди. "Йўл харитаси"нинг 5-бандида қатағон қурбонларининг номларини аниқлаш борасида изланишлар кўламини кенгайтириш учун масъулларга вазирлик ва идораларнинг идоравий архивларидан фойдаланиш имконияти яратилди.

"Йўл харитаси"нинг 10-бандида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида аниқланган, айрим сабабларга кўра реабилитация қилинмай қолиб кетган қатағон қурбонлари номларини оқлаш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш белгиланди.

(Давоми 3-бетда) ►

### Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2021 йил 27 ноябрь № 37 Тошкент шаҳри

## Жиноят ишларини кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиришлар киритилганлиги, суд амалиётида масалалар келиб чиқётганлиги муносабати билан ҳамда қонун нормалари бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасига асослашиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тушунтирилсинки, биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўриб бўлишида жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутди.

Шу жиҳатдан, яқинда мазкур тизимдаги ишлар янада такомиллаштирилиб, ҳар бир маҳаллани ҳокимликлар билан боғлаш мақсадида маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилган эътиборга лойиқдир. Президентимиз қайд этганидек, **жойларда раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оиллага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилишига эришимиз лозим.**

ЖПК 499-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ, биринчи ва апелляция инстанцияси суди ҳукми, ажрими устидан кассация тартибида шикоят беришга (протест келтиришга) бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (бундан бунён матнда ЖПК деб юритилади) 499-моддасида назарда тутилган шахсларга тўғри келиши.

ЖПК 499-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ, биринчи ва апелляция инстанцияси суди ҳукми, ажрими устидан бошқа шахслар томонидан ҳам ўз ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларига дахлдор қисми юзасидан кассация тартибида шикоят берилиши мумкин. Улар жумласига иш бўйича тараф бўлмаган, бирок ўзининг ҳақиқий ҳолатига кўра суд ҳимоясига муҳтож бўлган шахслар (гаров берувчи, мулки хатланган шахс ва бошқалар) қиради.

Шу муносабат билан кассация инстанцияси суди шикоятни (протестни) қабул қилиш пайтида кассация шикоят (протести) берган шахснинг бундай ҳуқуққа эгаллигини текшириши шарт.

3. Кассация шикояти (протести) бевосита кассация инстанцияси судига — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилади.

Ҳар бир кассация шикояти (протести) келиб тушган санаси кўрсатилган ҳолда рўйхатга олиниши шарт.

4. Тушунтирилсинки, қонун кассация шикояти (протести) беришга бўлган ҳуқуқни би-

рон-бир муддат билан чекламайди (ЖПК 500-моддаси).

Шу билан бирга, агар шикоятда (протестда) қуйидаги масалалар кўйилган бўлса, ишни кассация тартибида қайта кўришга устидан шикоят берилаётган ҳукм, ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг фақат бир йил ичида йўл қўйилади:

оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги тўғрисида;

жазони кучайтириш тўғрисида ёки маҳкумнинг ахлови ёмонлашишига олиб келадиган бошқа ўзгартиришлар ҳақида;

оқлов ҳукмини ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ажримни бекор қилиш тўғрисида.

ЖПК 500-моддасининг иккинчи қисми мазмунига кўра, агар иш кассация инстанцияси суди томонидан кўриқлаётган кунда бир йиллик муддат ўтиб кетган бўлса, кассация шикояти (протести) белгиланган муддатда берилганидан қатъий назар, кассация тартибида иш юритиш тугатилади.

5. Шуни назарда тутиш лозимки, қонунда кассация тартибида иш юритиш предмети бўйича муайян истиснолар белгиланган.

Жумладан, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари суд муҳокамаси чоғида чиқарган ва далилларни текшириш тартибига, процесс иштирокчилари илтимосномаларига, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга, шунингдек, суд мажлиси залида тартиб сақлашга оид ажримлар устидан кассация тартибида шикоят (протест) берилиши мумкин эмас. Ушбу ажримлар бўйича эътирозлар кассация шикоятига (протести) киритилиши мумкин.

(Давоми 2-бетда) ►

### Қонун ижодкорлиги

## Янги қонун: меҳнат мигрантлари ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган

Тараққиётнинг янги даврида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар фақат бир мақсада — инсон ва унинг қадрини улуғлашга қаратилганлиги ҳамда бир соҳанинг жадал ва изчил ривожланишига хизмат қилмоқда. Хусусан, чет элда ишлаётган фуқароларга нисбатан муносабат тубдан ўзгариб, меҳнат мигрантлари билан мулоқот ўрнатилди, уларнинг муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда ҳал қилиш бўйича янги механизмлар жорий қилинди.

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилди. Меҳнат мигрантларининг ҳаёти ва соғлигини суғурталаш, уларнинг оила аъзолари учун ипотека кредитлари ажратиш амалиёти йўлга қўйилди.

Айни чоғда, ташқи меҳнат миграциясида эришилган



ютуқлар билан бирга, соҳада айрим муаммолар учраётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

(Давоми 3-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

Қ А Р О Р И

# Жиноят ишларини кассация тартибда кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида

## ◄(Бошланиши 1-бетда)

6. ЖПК 501-моддасида кассация шикоят (протести) мазмуни юзасидан муайян талаблар белгиланганлиги туфайли, кассация инстанцияси суди шикоят (протест) берувчи шахс томонидан ушбу талабга риоя этилганлигини текшириши шарт.

Судья кассация шикояти (протестини) куйидаги ҳолларда ажрим билан уни берган шахсга қайтарари, агар:

• шикоят (протест) ЖПК 501-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб бермаса;

• иш кассация тартибда кўриб чиқилиши мумкин бўлмаса;

• шикоятни (протестни) қайтариб олиш тўғрисида ариза (хат) келиб тушган бўлса.

Шикоят (протест) берган шахс ЖПК 501-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бар-тароф этилганидан кейин умумий тартибда қайта мурожаат қилишга ҳақли.

7. Кассация инстанцияси суди шуни назарда тутиши лозимки, кассация шикояти (протести) бўйича ишдаги мавжуд материалларга кўра биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) нормалари тўғри қўлланилганлиги ҳамда жиноят-процессуал қонуни нормаларига риоя этилганлиги текширилади.

8. Кассация шикояти (протести) кассация инстанцияси судига келиб тушган кундан эътиборан икки ойгача бўлган мuddат ичида кўриб чиқилиши лозим.

Кассация инстанцияси судининг ажрими билан бу мuddат ишининг мураккаблиги ёки ҳажми катталиги, шунингдек, бошқа узрли сабаблар инобатга олинган ҳолда, кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин.

9. Кассация инстанцияси суди эътибори шунга қаратилсинки, қонунда кассация шикояти (протести) вахларини синчиклаб ўрганиш учун ўн кунлик мuddат белгиланган бўлиб, бу ЖПК 507-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган масалаларни тўғри ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Агар кассация шикоятини (протестини) ўрганиш натижалари бўйича ЖПК 502-моддасига мувофиқ, шикоятни (протестни) қайтариш учун асослар бўлмаса, судья жиноят ишини талаб қилиб олиш тўғрисида ажрим чиқаради ва бу ҳақда уч кунлик мuddат ичида кассация шикояти (протести) берган шахсга хабар берилади.

10. Жиноят процесси иштирокчисининг ўз шикояти (протести)га ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳуқуқи кассация инстанцияси суди мажлиси бошлангунга қадар амалга оширилиши мумкин. Бироқ ЖПК 509<sup>9</sup>-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, кассация протестига ўзгартириш ёки қўшимча киритиш, жабрланувчининг ёхуд унинг вакилининг кассация шикоятига ўзгартириш ёки қўшимча киритиш чоғида маҳкумининг аҳволини оғирлаштириш тўғрисидаги масала, агар бундай талаб дастлабки кассация шикоятда (протестда) кўрсатилмаган бўлса, қўйи-лиши мумкин эмас.

Кассация шикояти берилганидан кейин ишга киришган жимоячи шикоятни ўзгартириши ёки янги вахлар билан тўлдириши, илгари ишда иштирок этган жимоячи томонидан берилган шикоят вахларига қўшимча асослар тақдим этиши мумкин.

ЖПК 500-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган мuddатлар ўтгандан сўнг берилган, маҳкумининг аҳволини оғирлаштиришга қаратилган талаблар кассация инстанцияси суди томонидан кўриб чиқилмайди.

11. ЖПК 509<sup>3</sup>-моддасига мувофиқ, кассация шикояти (протести) берган шахс ўз шикоятини (протестини), маҳкум, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар эса, тегишлича ўз жимоячисини ва вакили берган шикоятни ҳам қайтариб олиш ҳуқуқи эга. Протестни қайтариб олиш ҳуқуқи юқори турувчи прокурорга ҳам тегишли.

Маҳкумининг жимоячисини, қонуний вакили ўз шикоятини фақат маҳкумининг розилиги билан қайтариб олишга ҳақли.

Кассация шикоятини (протестини) қайтариб олишга кассация инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунга қадар йўл қўйилади.

Кассация шикоятининг (протестининг) қайтариб олиниши, агар иш бўйича бошқа процесс иштирокчилари томонидан берилган кассация шикояти (протести) бўлмаса, кассация тартибда иш юритиш тугати-

лишига олиб келади. Бундай ҳолда суд шикоятни (протестни) қайтариб олган шахсга нисбатан кассация тартибда иш юритишни тугатади ва бошқа шахсларга нисбатан давом эттиради.

Шуни инобатга олиш лозимки, кассация тартибда иш юритишнинг тугатилиши кассация шикояти (протести) билан такроран мурожаат қилишга тўсқинлик қилмайди.

12. Кассация инстанцияси суди судьяси келиб тушган кассация шикоятини (протестини) ўрганади ва кўпи билан ўн суткалик мuddат ичида ЖПК 507-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган масалаларни ҳал қилади.

Келиб тушган жиноят ишини ўрганиш натижаларига кўра, судья шикоятни (протестни) иш билан бирга кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритиш ёхуд шикоятни (протестни) кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритишни рад этиш ҳақида ажрим чиқаради.

Судьянинг ажрими ҳар қандай ҳолда ЖПК 508 ёки 509-моддалари талабларига жавоб бериши, шу жумладан, шикоятни (протестни) иш билан бирга кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритиш ёхуд шикоятни (протестни) кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритиш рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун сабаб бўлган асосларни батафсил ўзида акс эттириши керак.

Шикоятни (протестни) кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритишни рад этиш ҳақидаги ажримда унинг устидан ЖПК 509-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига ёки унинг ўринбосарига шикоят бериш ҳуқуқи тушунтирилиши шарт бўлиб, шу сабабли уч кунлик мuddат ичида ажрим нухсаси аризачига юборилади.

13. Тушунтирилсинки, ЖПК 509<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган шахслар иш кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритилганлиги тўғрисида ажрим чиқарилган кундан бошлаб уч кунлик мuddат ичида хабардор қилинишлари шарт. Бунда уларга шикоятнинг (протестнинг) кўчирма нухсаси юборилади ёхуд уларнинг электрон нухсалари билан кассация инстанцияси судининг интернет-ресурси орқали танишиш мумкинлиги тўғрисидаги хабарнома юборилади ва шикоятга (протестга) доир ўз эътирозларини ёзма шаклда ёхуд электрон ҳужжат тарзида беришга бўлган ҳуқуқи, эътирозларни тақдим этилиш мuddати кўрсатилган ҳолда тушунтирилади. Шикоят (протест) устидан келиб тушган эътирозлар ишга қўшиб қўйилади.

14. Шуни назарда тутиш лозимки, ЖПК 506-моддасида назарда тутилган кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиш мuddатлари шикоятни (протестни) ўрганиш, жиноят ишини талаб қилиб олиш ва ўрганиш, шунингдек, ЖПК 507-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, ажрим чиқариш учун ажратилган вақтни ўз ичига олади.

Кассация инстанцияси судида ишни кўриш мuddатлари ЖПК 509<sup>4</sup>-моддасида белгиланган бўлиб, шикоятни (протестни) иш билан бир-лабки кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланади.

15. Кассация инстанцияси судининг эътибори шунга қаратилсинки, ЖПК 509<sup>5</sup>-моддаси талабларининг бажарилиши процесс иштирокчилари ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан судья шикоят (протест) кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритилган кундан эътиборан етти суткадан кечиктирмай жиноят ишини суд мажлисида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисида ажрим чиқариб, унда куйидаги масалаларни ҳал қилиши керак:

• жиноят ишини кўриш бошлангандан жой, сана ва вақт тўғрисидаги;

• суд мажлисига тарафларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини чақиритиш тўғрисидаги;

• ЖПК 19-моддасида назарда тутилган ҳолларда, жиноят ишини ёпиқ суд мажлисида кўриш тўғрисидаги;

• озодлиқдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тарихидаги жазони ўтаётган маҳкумининг суд мажлисида иштирок этиши тўғрисидаги.

Қабул қилинган қарор тўғрисида ЖПК 499-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга, шунингдек, прокурорга уч сутка ичида хабар қилинади.

16. Шуни назарда тутиш кераки, ЖПК 509<sup>6</sup>-моддасининг бирин-

чи қисмида кассация инстанцияси суди мажлисида иштирок этиши шарт бўлган тарафлар, шунингдек, унда иштирок этиш ҳуқуқи эга бўлган процесс иштирокчилари доираси кўрсатиб ўтилган. Шу сабабли кассация инстанцияси суди ҳар бир иш бўйича уларни суд мажлиси жойи, санаси ва вақти тўғрисида олдиндан хабардор этиш чораларини кўриши керак.

Жазони ижро этиш муассасида бўлган ёки озодликни чеклаш тарихидаги жазони ўтаётган маҳкумининг кассация инстанцияси суди мажлисида иштирок этишини таъминлаш суд томонидан ҳал этилади. Агар кассация инстанцияси суди маҳкумининг суд мажлисида иштирокини зарур деб топса, уни суд мажлисига олиб келиш бўйича чоралар кўриши ёхуд унинг суд мажлисида видеоконференцада тизимдан фойдаланган ҳолда иштирок этишини таъминлаши лозим.

Кассация инстанцияси суди мажлиси жойи, санаси ва вақти тўғрисида тегишли равишда хабардор этилган шахсларнинг суд мажлисига келмаслиги жиноят ишини кўриш учун тўсиқ бўлмайди, суд мажлисида иштирок этиши шарт бўлган шахслар бундан мустасно.

17. Кассация инстанцияси суди холислик ва бегаразликини сақлаган ҳолда тарафларга ўз процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишлари учун зарур шароитлар яратиб бериши шарт.

Кассация инстанцияси судида жиноят иши ЖПК 509<sup>7</sup>-моддасида назарда тутилган тартибда кўрилади.

Кассация инстанцияси судида тарафлар музокаралари ЖПК 449-моддаси қоидаларига мувофиқ ўтказилади, бироқ бунда шикоят (протест) берган шахс биринчи бўлиб сўзга чиқади.

Иш бўйича бир неча кассация шикояти (протести) мавжуд бўлганда, биринчи бўлиб айблов тарафига тегишли процесс иштирокчиси сўзга чиқади.

18. Тушунтирилсинки, апелляция тартибда иш юритишдан фарқли равишда, кассация инстанцияси суди айблов исботланганлиги масаласи муҳокамага киришмай, фақат биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан жиноят қонунлари тўғри қўлланилганлиги ва жиноят-процессуал қонунига риоя этилганлиги масалаларини текширишга ваколатлидир.

Суд жиноят ишини кассация тартибда кўришда кассация шикояти (протести) вахлари билан чегараланмайди ва ишни барча маҳкумларга, шу жумладан, кассация шикоятни бермаган шахсларга ёки уларга нисбатан шикоят (протест) берилмаган маҳкумларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширади.

ЖПК 509<sup>8</sup>-моддасининг иккинчи қисми мазмунига кўра, жиноят иши бўйича бир неча шахс ҳукм қилинган ёки оқланган тақдирда, кассация инстанцияси суди кассация шикояти (протести) берилмаган маҳкумлар ёки оқланган шахсларга нисбатан ҳукмини, ажримни бекор қилишга ва ишни апелляция тартибда янгидан кўриб чиқиш учун юборишга, башарти ҳукм, ажримнинг бекор қилиниши уларнинг аҳволи оғирлашишига олиб келса, ҳақли эмас.

19. ЖПК 509<sup>9</sup>-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси суди жиноят ишини кўриб чиқиш натижалари бўйича куйидаги ажримлардан бирини қабул қилади:

• биринчи, апелляция инстанцияси судлари ҳукмларини, ажримларини ўзгартириш, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлангирмасдан қолдириш тўғрисида;

• апелляция инстанцияси суди ҳукмини, ажримини бекор қилиш ва биринчи инстанция суди ҳукмини, ажримини ўзгартириш қолдириш тўғрисида ёки ишни апелляция тартибда янгидан кўриб чиқиш учун юбориш тўғрисида;

• иш бўйича қабул қилинган барча суд қарорларини бекор қилиш ва ишни тугатиш тўғрисида;

• биринчи, апелляция инстанцияси суди ҳукмини, ажримини ўзгартириш тўғрисида.

Апелляция инстанцияси суди ҳукми, ажрими куйидаги ҳолларда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши лозим, агар:

• кассация инстанцияси суди ушбу қарорлар билан аввалги ҳукмлар ёки ажримлар асоссиз равишда бекор қилинган ёки ўзгартирилган деб топса;

• ишни кўраётганда улар апелляция инстанцияси суди ҳукмининг, ажримининг ёки кассация инстанцияси суди ажримининг қонуний-лигига таъсир кўрсатган ёки таъсир

кўрсатиши мумкин бўлган қонун бузилишига йўл қўйган бўлса.

20. Агар биринчи, апелляция инстанцияси судлари ҳукми, ажрими моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ чиқарилганлиги аниқланса, кассация инстанцияси суди уларни ўзгартириш қолдиради (ЖПК 455-моддаси).

Суд ҳукмини ўзгартириш қолдиришда кассация инстанцияси суди куйидагиларга ҳақли:

ЖПК 533-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда, ҳукмининг ижросини кечиктиришга;

• амнистия актини қўллашга.

Кассация инстанцияси суди томонидан биринчи, апелляция инстанцияси суди ҳукми, ажримининг тавсифи қисмига ўзгартириш киритилганда ҳам, башарти бу айблов ҳажми, қилмишининг квалификацияси, тайинланган жазо тури ва миқдори ўзгаришига олиб келмаса, суд қарорлари ўзгартириш қолдирилади.

21. Биринчи инстанция судининг қонуний, асослангирлан, адолатли ҳукмини ёки қонуний, асослангирлан ажрими апелляция инстанцияси суди томонидан етарли асосларсиз бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳолларда, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси суди ҳукмини, ажримини бекор қилади ва биринчи инстанция суди ҳукмини, ажримини ўзгаришига қолдирилади.

22. Тушунтирилсинки, апелляция инстанцияси суди ҳукми, ажримини бекор қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда кассация инстанцияси суди ЖПК 497<sup>10</sup>-моддасида назарда тутилган асослардан келиб чиқиши лозим.

Кассация инстанцияси суди, агар биринчи, апелляция инстанцияси судлари томонидан суд терговининг тўлиқ эмаслигига ёки бир ёқламаларига ёхуд процессуал бузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланса ва бу ҳукм, ажримнинг қонунийлигига таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган бўлса, апелляция инстанцияси суди ҳукми, ажримини бекор қилади ва ишни апелляция тартибда янгидан кўриб чиқиш учун юборади.

23. Агар иш кўриб чиқилётганда ЖПК 416, 417-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланса, жабрланувчи, унинг вакили ёки маҳкум, унинг жимоячисини, қонуний вакили шикоятни ёки прокурор протести мавжуд бўлганда, кассация инстанцияси суди ҳукмини, апелляция инстанцияси суди ажримини бекор қилишга ва ишни апелляция тартибда янгидан кўриб чиқиш учун юборишга ҳақли.

24. Кассация инстанцияси суди фақат прокурор протестига ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг шикоятига кўра, апелляция инстанцияси судининг ҳукми, ажримини маҳкумга тайинланган жазо енгиллиги ёки унга эълон қилинган айблов доирасида оғирроқ жиноятга оид қонунни қўллаш зарурлиги туфайли бекор қилиб, ишни апелляция тартибда янгидан кўриб чиқиш учун юборишга ҳақли.

Апелляция инстанцияси судининг оқлов ҳукми ҳам кассация инстанцияси суди томонидан фақат прокурорнинг протестига ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг судланувчининг оқланиши қонунга хилофлиги ва асоссизлиги борасида берилган шикояти бўйича бекор қилиниб, иш апелляция тартибда янгидан кўриб чиқиш учун юборилиши мумкин.

25. Кассация инстанцияси суди куйидаги ҳолларда иш бўйича барча суд қарорларини бекор қилади ва жиноят ишини тугатади, агар:

• иш бўйича ЖПК 83-моддасида ҳамда 84-моддасининг биринчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган асослар аниқланса;

• иш бўйича тўпланган далиллар шахсни айбдор деб топилш учун етарли бўлмаса ва қўшимча далилларни тўплаш имконияти қолмаган бўлса.

26. Қонун мазмунига (ЖПК 497<sup>30</sup>, 509<sup>9</sup>-моддалари) кўра, кассация инстанцияси суди биринчи, апелляция инстанцияси судлари ҳукмини ўзгартирганда куйидагиларга ҳақли:

• қилмишни ЖК бошқа моддасига (бир неча моддаларига) қайта квалификация қилишга;

• ҳукмдан айбловнинг бир қисмини (айрим эпизодларини) ёхуд маҳкумининг жавобгарлигини оғирлаштирувчи белгиларни чиқаришга;

• ҳукмдан жиноятлар идеал мажмуи тарихида қилмишни нотўғри баҳолаш туфайли ортиқча эълон қилинган ЖК моддасини чиқаришга;

• ЖК 70-72, 76-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда маҳкумини жазодан озод қилишга;

• жазо миқдорини ўзгартиришга ва ЖК Махсус қисми моддаси санкцияси доирасида бошқа енгилроқ жазо тайинлашга ёхуд ЖК 57-моддасини қўллашга;

• маҳкумининг аҳволини оғирлаштирмаган ҳолда ЖК 59 ёки 60-моддасини қўллаб, жазо миқдорини ўзгартиришга;

• жиноят натижасида етказилган зарар, шунингдек, маънавий зиённинг компенсацияси миқдорини кўпайтириш ёки камайтиришга, шунингдек, ушбу масала суд томонидан ҳал этилмаган ҳолларда, бундай зарарни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилишга;

• маҳкумини ўта хавфли рецидивист деб топишга ёки ҳукмдан уни ўта хавфли рецидивист деб топиш ҳақидаги қарорни чиқаришга;

• маҳкумга нисбатан жазони ижро этиш колониясининг бошқа, шу жумладан, қаттиқроқ турини белгилашга; ашёвий далиллар, процессуал чиқимлар тўғрисидаги масалаларни ва бошқа масалаларни ҳал этишга.

27. Бошқа эпизодлар билан умумий квалификация қилинган бир ёки бир неча эпизод (масалан, бир неча марта пора олганли) бўйича иш ҳолатлари тўлиқ текширилмаган деб топилганда, агар уларни суд қарорларидан чиқариш учун етарли асослар ёки йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш учун имконият бўлмаса, кассация инстанцияси апелляция инстанцияси суди ҳукми, ажримини бекор қилиб, ишни апелляция тартибда янгидан тўлиқ ҳажмда кўриш учун юбориши керак.

Агар маҳкум ЖК турли моддалари бўйича квалификация қилинган бир неча жиноятни содир этганликда айбдор деб топилган бўлиб, улардан ҳар бирини алоҳида кўриш имконияти бўлса, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг ҳукми, ажримининг бир ёки бир неча жиноятга оид қисмини бекор қилиб, ишининг шу қисмини апелляция тартибда янгидан кўриш учун юборишга, айна пайт-да, ўша маҳкумга нисбатан суд ҳукми, ажримининг қолган қисмини ўзгаришига қолдиришга ҳақли.

Агар кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг ҳукми, ажримининг маҳкумлардан бирига доир қисмини бекор қилиб, ишининг шу қисмини апелляция тартибда янгидан кўриш учун юборишга, айна пайт-да, ўша маҳкумга нисбатан суд ҳукми, ажримининг қолган қисмини ўзгаришига қолдиришга ҳақли.

Агар кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг ҳукми, ажримининг маҳкумлардан бирига доир қисмини бекор қилиб, ишининг шу қисмини апелляция тартибда янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.

28. Шахсни жиноий жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи амнистия актига эид равишда ёки жиноий жавобгарликка тортиш мuddати ўтгандан сўнг жиноят иши қўзғатилган ҳолларда, суд қарорлари, гарчи унда маҳкум жазодан озод қилинган бўлса-да, бекор қилиниб, иш тугатилиши керак.

Агар кассация инстанцияси суди маҳкумининг ҳаракатларини ЖК бошқа моддасига қайта квалификация қилиш кераклиги тўғрисида хулосага келса ва бу мuddа шахсни жазодан озод этишни назарда тутувчи ёки жазо қўлланилишини истисно этувчи амнистия акти таъсири доирасига тушса, биринчи, апелляция инстанцияси суди қабул қилиши шарт бўлган қарор чиқариши керак. Маҳкумининг ҳаракатлари ЖК бошқа моддасига қайта квалификация қилиниб, бу мuddа бўйича шахс ЖПК 463-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди ҳамда учинчи қисмининг 2 ва 5-бандларига мувофиқ, жазодан озод қилиниши лозим бўлган ёки унга нисбатан жазо тайинланиши истисно этилган ҳолларда ҳам шундай қарор қабул қилиниши лозим.

29. Агар амнистия акти биринчи, апелляция инстанцияси суди томонидан қўлланилиши мумкин бўлмаган маҳкумга нисбатан қўлланилган бўлса, кассация инстанцияси суди жабрланувчи ёки унинг вакилининг шикояти ёки прокурор протести бўлган тақдирда, ҳукмини, ажримини бекор қилади ва ишни янгидан апелляция тартибда кўриб чиқиш учун юборади.

Бироқ агар кассация инстанцияси суди амнистия акти қўлланилган ҳолда ҳукмда, апелляция инстанцияси суди ажримида тайинланган жазо амнистия акти қўлланилмаган ҳолда ҳам маҳкум учун етарли деб топса, у суд қарорларидан амнистия актини қўллаш ҳақидаги хулоса ва қарорни чиқариб, ҳукмда, апелляция

инстанцияси суди ажримида амнистия акти қўлланилган ҳолда тайинланган жазони қолдиришга ҳақли.

30. Агар иш кассация тартибда кўрилганда суд қарорлари бекор қилиниб, иш маҳкумининг жиноят содир этилишига дахлдор эмаслиги туфайли тугатилиб, бироқ бу жиноятни содир этган шахс ҳаракланмай қолса, суд ишни ЖПК 464-моддаси талабларидан келиб чиқиб, жиноятни содир этган шахсни аниқлаш юзасидан чора кўриш учун прокурорга юбориши лозим.

31. Агар маҳкум ўзи ёки процессининг бошқа иштирокчилари томонидан кассация шикояти (протести) берилгандан сўнг, бироқ иш кассация инстанцияси судида кўрилгунга қадар вафот этса, иш юритиш умумий асосларда давом эттирилади.

Марҳумни реабилитация қилиш учун асослар бўлган тақдирда, кассация инстанцияси суди айблов ҳукмини, ажримни бекор қилади ва ушбу шахсга нисбатан жиноят ишини тугатади.

# Инсон қадрини улуглаш

## унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш 2022 йилда ҳам давлат сиёсатининг энг устувор вазифаси бўлиб қолади



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу борадаги ўзгаришлар эндиликда маҳаллада аҳоли билан ишлаш механизмларини тубдан такомиллашти-

ришни тақозо этади.

Мамлакатимиз аҳолисининг олтимши фоиздан ортинини ташкил этувчи ёшларнинг ҳам катта ҳаётга қадам

кўядиган илк маскани маҳалла экани ҳисобга олиниб, маҳаллаларда ёшлар масалалари билан мунтазам шугулланидиган Ёшлар ишлари агентлигининг вакили штати ташкил этилмоқда.

Ўз навбатида, ҳокимликлар ва маҳаллаларнинг молиявий имкониятини кенгайтириш мақсадида туман бюджетини қўшимча манбалар билан таъминланиб, маҳаллаларнинг алоҳида жамғармаси шакллантирилади.

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишларида тилга олаётган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг узвий давоми бўлиб, бугунги глобал ўзгаришлар, аҳоли турмуш тарзи, ҳаёт талаби ва қадриятларимиздан чиққан ҳолда еттита йўналишда белгилаб олинди.

Стратегиядаги ҳар бир вазифа ва мақсад 2021 йилда бўлиб ўтган Президент сайлови жараёнларида бевосита фуқаролар иштирокида муҳокамадан ўтказилиб, ҳаётий тақлиф ва ташаббуслар билан тўлдирилди. Бошқача айтганда, халқимиз билан бамаънаҳат ишлаб чиқилди. Демак, ислохотларни янги босқичда давом эттириш, аввало, халқимизнинг хоҳиш-иродасидир.

Этибор беринг: Тараққиёт стратегиясининг биринчи йўналиши — эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон кадр-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотларни янги погонга кўтаришга йўналтирилган вазифалардан иборат.

Ушбу вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш орқали милли-

ти, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, бутун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган "Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат" ғоясини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, "Инсон қадри учун" деган устувор тамойил тўлиқ рўёбга чиқарилади.

Бугун Ўзбекистонда тараққиётнинг тубдан янги даври бошланди. Президентимиз таъкидлаганидек, "Халқимиз билан бошлаган демократик ислохотлар йўлини янада қатъий давом эттирамиз ва бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз! Янги Ўзбекистонни биргаликда, албатта, барпо эта- миз!"

Қатъият билан йўғрилган бу сўзлар барчамизни янада фаол ишлашга даъват этмоқда, руҳлантирмоқда. Шу жиҳатдан, мамлакатдаги етакчи сиёсий куч сифатида ҲДП Янги Ўзбекистон бунёдкорларининг энг олдинги сафларида бўлади.

**Ақтам ҲАЙТОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

### Тикланган ҳақиқат

## Мустақиллик йўлида қатагон қилинган яна 120 нафар шахс оқланди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қатагон қурбонларининг реабилитацияси бўйича масала ўрганиб чиқилди ҳамда Республика ишчи гуруҳига тақлифлар қўриб чиқиш учун юборилди.

Бундан ташқари Олий суд раисининг 2021 йил 9 февралдаги фармойишига биноан,

қошидаги Учлик кенгашининг 1930 йил 24 мартдаги баёнига кўра, Абдурахимов Мирза Ходжа ва бошқалар (жами 15 киши) ЎзССР ЖКнинг 67 ва 78-моддалари, акцилинқилобий махфий ташкилотини тузганликда ҳамда совет давлатига қарши қуроли қаршилик ҳаракатларида иштирок этган-



муайян сабабларга кўра, реабилитация қилинмай қолиб кетган қатагон қурбонларининг хотирасини абадийлаштириш масалалари бўйича ишларни амалга ошириш мақсадида ишчи гуруҳи тузилди.

Олий судга 2021 йил декабрь ойида 120 нафар шахсга нисбатан 6 та жиноят иши келиб тушган бўлиб, ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари томонидан юқорида кўрсатилган жиноят ишлари юзасидан тегишли тартибда Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига протестлар келтирилган.

2022 йил 6 январь куни ушбу жиноят ишлари Олий суд раиси ўринбосари Икром Муслимов раислигида ўтказилган очик суд мажлисларида қўриб чиқилиб, келтирилган протестлар қаноатлантирилди ва Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасига асосан жами 6 та жиноят иши бўйича 120 нафар шахс оқланди.

Хусусан, Ўрта Осиёдаги Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (БДСБ) ҳайъатининг 1925 йил 4 сентябрдаги мах-

лиқда айбли деб топилиб, сургун ва энг оғир жазо — отишга ҳукм қилиниб, отилган ва мол-мулки мусодара қилиниши белгиланган.

Марказий Осиёдаги Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (БДСБ) доимий вакили қошидаги Учлик кенгашининг 1930 йил 25 январдаги баёнига кўра, Мансурбеков Муҳам-



мад Содик ва бошқалар (жами 5 киши) ЎзССР ЖКнинг 67 ва 78-моддалари, акцилинқилобий махфий ташкилотини тузганликда ҳамда совет давлатига қарши қуроли қаршилик ҳаракатларида иштирок этганликда айбли, деб топилиб, Ўрта Осиёдан сургун қилиниб, мол-мулки мусодара қилиниши белгиланган.

Марказий Осиёдаги Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (БДСБ) доимий вакили қошидаги Учлик кенгашининг



сус йиғилиш қарорига кўра, Мирза Ибрагимов Мир Ахур ва бошқалар (жами 43 киши) ЎзССР ЖКнинг 67-моддаси (хорижий мамлакатлар ёки ижтимоий гуруҳлар фойдасига оғиш) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда урушни эълон қилиш ҳамда совет давлатига қарши қуроли қаршилик ҳаракатларида иштирок этиш, 67-моддаси (акцилинқилобий ташкилотларга аъзолик қилиш) ва 69-моддаси (инқилобий ҳаракат ва прелетарят синфига қарши фаол ҳаракат ёки курашиш) яъни фуқаролар уруши вақтида акцилинқилобий ҳукумат тузишда айбли деб топилиб, сургун жазосига ҳукм қилинган, уларга тегишли мол-мулклар мусодара қилинган.

Ўрта Осиёдаги Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (БДСБ) доимий вакили ҳузурдаги Учлик йиғинининг 1930 йил 24 январдаги қарорига кўра, Аппах Ходжа Аскар Ходжаев ва бошқалар (жами 40 киши) ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси (бандитизм) совет давлатига қарши қуроли қаршилик ҳаракатларида иштирок этганликда айбли деб топилиб, сургун ва энг оғир жазо — отишга ҳукм қилиниб, отилган ва мол-мулки мусодара қилиниши белгиланган.

Марказий Осиёдаги Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (БДСБ) доимий вакили

1930 йил 19 мартдаги баёнига кўра, Сафаров Тоғай Амин ва бошқалар (жами 12 киши) ЎзССР ЖКнинг 67 ва 78-моддалари, акцилинқилобий махфий ташкилотини тузганликда ҳамда совет давлатига қарши қуроли қаршилик ҳаракатларида иштирок этганликда айбли, деб топилиб, Ўрта Осиёдан сургун қилиниб, мол-мулки мусодара қилиниши белгиланган.

Россия Федератив Совет Социалистик Республикаси Олий Инқилобий трибунали Туркистон Совет Республикаси Марказий Ижроия қўмитасининг 1921 йил 23 декабрдаги ҳукмига кўра, Шариф Ходжаев Садриддин Хон ва бошқалар (5 киши) ЎзССР ЖКнинг 67 ва 78-моддалари, акцилинқилобий махфий ташкилотини тузганликда ҳамда совет давлатига қарши қуроли қаршилик ҳаракатларида иштирок этганликда айбли, деб топилиб, сургун ва энг оғир жазо — отишга ҳукм қилиниб, отилган ва мол-мулки мусодара қилиниши белгиланган.

Мустақиллик йўлида фидолик қорона кураш олиб борган, ҳатто ўз жонини фидо қилган қатагон қурбонларининг пок номлари халқимиз қалбида мангу яшайди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**  
ЎЗА муҳбири

◀ (Бошланиши 1-бетда)

### Қонун ижодкорлиги

**Биринчидан,** ташқи меҳнат миграцияси соҳаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидан иборат бўлиб, миллий қонунчиликдаги меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларига оид айрим масалаларни халқаро ҳужжатлар билан уйғунлаштириш зарур.

**Иккинчидан,** қонунчилик ҳужжатларида ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ушбу соҳани тартибга солишда иштирок этадиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатлари, ташқи меҳнат миграцияси соҳасида қўлланиб келинаётган барча тушунчаларнинг мазмуни ва асосий принциплари белгилаб берилмаган.

**Учинчидан,** фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги меҳнат фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уюшган ҳолда ишга жойлаштириш, чет элда ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари турли қонунчилик ҳужжатларида акс эттирилган.

Шундан келиб чиқиб, "Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинди. Ҳўш, янги қонун лойиҳасида қандай нормалар акс этмоқда?

Авваломбор, қонун лойиҳаси билан ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган масалалар қонун даражасида мустаҳкамланмоқда. Халқаро ҳужжатларда назарда ту-

тилган меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларига оид айрим нормалар, жумладан, ташқи меҳнат миграциясининг ихтиёрийлиги ва эркинлиги, меҳнат мигрантларининг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқега қараб камситишга ва мажбуриятли меҳнатга жалб қилишга, меҳнат мигрантларининг соғлиғига зиён етказувчи шароитларда ишлаш учун жалб қилишга йўл қўймастик каби бир қатор ҳуқуқлари ушбу янги қонун лойиҳаси асосида миллий қонунчиликка имплементация қилинмоқда.

Ташқи меҳнат миграцияси соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда ушбу соҳада Вазирлар Маҳкамаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, хусусий бандлик агентликлари ҳамда фу-

қароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатлари белгиланмоқда.

Шунингдек, фуқароларнинг мамлакатимиздан ташқаридаги меҳнат фаолиятини ташкил этиш, уларни уюшган ҳолда ишга жойлаштириш ҳамда чет эл фуқароларини Ўзбекистонда меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида жалб қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ягона ҳужжатда жамланмоқда.

Қолаверса, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларига замонавий ахборот-

коммуникация технологияларини жорий этиш, меҳнат мигрантларининг ҳисобини юритиш ва ушбу соҳада мониторингни амалга ошириш, хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларини реинтеграция қилиш бўйича меҳнат ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари белгилаб берилмоқда.

Муҳтасар айтганда, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида:

- ташқи меҳнат миграцияси соҳасини тартибга солиш қонун даражасида мустаҳкамланади;
- халқаро ҳужжатлардаги меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларига оид нормалар миллий қонунчиликка имплементация қилинади;
- уюшган ҳолда ишга жойлаштирилган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакатимиздан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тартиби тизимлаштирилади.

**Шерзод ҚУЛМАТОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Аввало шуну айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 августдаги "2019-2022 йилларда Хоразм вилоятининг Хива шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 8-бандига кўра, қадимий шаҳарнинг "Ангарик", "Қиблатозабоя", "Шихлар" ва "Лолазор" маҳаллалари табиий газ тармоғига қайта уланди. Натижада бир неча ўн миңг киши истиқомат қилувчи ушбу ҳудуд суюлтирилган табиий газ билан узлуксиз таъминланди. Албатта, бундай қулайликдан маҳалла аҳолининг боши осмонга етди.

### Животга жазо муқаррор



## Хиёнат у жамоат мулкни ўзлаштириш асносида намоён бўлди

қайд этилган маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳоли хонадонларига муқаддам тарқатилган 1429 дона маиший газ баллонлари йиғиб олинди.

Албатта, бундай тадбирларнинг амалга оширишининг ўзини хос тартиб-таомиллари бор. Яъни аҳоли ижара асосида фойдаланиб келган газ баллонлари қайтариб олинган, албатта, ҳужжат асосида ҳисоб-хонага кириб қилиниши ва идора омборига топширилиши керак эди. Таассуфки, икки ҳаммасаб бу қоидага амал қилилмади. Кейинчалик расмийлаштирилган ҳужжатларга қараганда, аҳолидан йиғиб олинган 1429 дона газ баллонининг 978 таси филиал омборигача етиб келмаган, аниқроғи, ўзлаштириш йўли билан талон-торож этилган. Амалга оширилган тафтиш-текширишлар асносида идора омборига топ-

ридан 2020 йилнинг май ойигача С.Эрназарованинги ихтиёрида 26.936 дона газ баллонлари мавжуд бўлган. Демак, бундан кўринадики, юқори турдун ташкилотга топширилган ҳисоботларнинг аксарияти сохта бўлган.

Табиий газ босимини меъёрловчи ускуналар учун масъул Д.Ҳалимовнинг хатти-ҳаракати ҳам жамоага анча зиён келтирди. Тергов ҳужжатларида қайд этилишича, у ҳам С.Эрназарова каби ҳисоботларни қалбакилаштирган.

Аниқроқ айтганда, у 2019 йилнинг ноябрь ойидан 2020 йилнинг май ойигача ўз ихтиёрида 58,3 миллион сўмлик жиҳоз ва ускуналар мавжудлиги юзасидан ҳисобот юритиб келган. Камомад айнан шу тарзда эл кўзидан яширилган. Бундан ташқари у С.Эрназарова билан ўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда филиал тасарруфидидаги газ баллонларини ноқонуний сотиб, мўмай даромад орттирган. Айни пайтда 30,4 миллион сўмлик суюлтирилган табиий газ қолдигини ҳам ҳисоботлардан аширган. Туқандаги 20 та маҳалла аҳолисининг суюлтирилган табиий газ учун 4,8 миллион сўм миқдорда пул йиғиб олган бўлсада, таъминот борасидаги мажбуриятини бажармаган. Пулни ўз эҳтиёжига сарфлаб юборган. Тергов органи С.Эрназарова томонидан содир этилган қонунбузарлик ҳаракатини Жиноят кодексининг талон-торожликка оид 167-моддаси 3-қисми "а" банди, ҳужжатларни қалбакилаштиришга тааллуқли 228-моддаси 2-қисми

"а, б" бандлари, Д.Ҳалимовнинг қилмишини эса, 167-модданинги 2-қисми "г", ушбу модданинги 3-қисми "а" банди, 228-модданинги 2-қисми "а, б" бандлари, шунингдек, мансаб сохтакорлигига доир 209-моддаси 2-қисми "а" банди бўйича малакалади.

Қонунчиликка мувофиқ, даъво қандай тарзда қўйилмасин, ҳаққоний ва аниқ далилларга асосланиши талаб этилади. Юқорида баён этилган қонунбузарлик мазмун-моҳияти анча жиддий, қўйилган айб бирмунча оғир эканини кўрсатади. Суд мажлиси жараёнида масаланинги бу жиҳати синчиклаб ўрганилганда жамоанинги катта миқдордаги мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож этилган маълум бўлди.

Суд айбланувчи С.Эрназарованинги қилмиши тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди билан тўри малакаланганини эътироф этди. Бироқ ушбу кодекснинг 228-моддаси 2-қисми "а, б" бандларида тақдордаги эълон қилинган айбни асосиз деб топди. Чунки ушбу модданинги 2-қисми "а" ва "б" бандларида тақдордан ва хавфли рецидивист ҳамда бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирилган ҳолда содир қилинган қонунбузарлик ҳолатлари назарда тутилган. С.Эрназарованинги қилмиши эса, бундай жиноят аломатлари йўқ. Шунинг учун суд ушбу айбловни унинг зиммасидан соқит этиш лозим, деган ҳулосага келди.

(Давоми 4-бетда) ▶

Жамиятимиз мақсади

Янги Ўзбекистон тараққиётида хотин-қизларимиз алоҳида ўрин тутати



◀ (Бошланиши 1-бетда)

- аёлларни ҳимоя қилишнинг институционал асосларини такомиллаштириш;
- аҳолининг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигини ошириш;
- ҳуқуқни қўллаш амалиётида аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш учун маъсул мансабдор шахсларни тегишли ҳуқуқий нормалар асосида ўқитиш каби муҳим йўналишларда олиб бориладиган ишларни амалга ошириш.

Кейинги йилларда миллий қонунчилигимиз ва халқаро конвенциялар орқали бу йўналишда зиммага олинган мажбуриятларни бажариш юзасидан амалга оширилган кенг қамровли ишлар натижа-сида йигирмадан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат имзоланди. Хусусан, "Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги, "Хотин-қизларнинг таъин ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар, хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглигини таъминлаш, аёлларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, уларнинг тадбиркорлик мақоми-ни кучайтириш тўғрисида-

ги Президент фармон ва қарорлари шулар жумласидандир.

Гендер тенгликни таъминлаш стратегиясининг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши мамлакатда инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурмат билан қарашни шакллантириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтириш учун кенг имкониятлар яратди.

Гендер тенглик ҳақида сўз борганда, ушбу тушунча фақат аёллар манфаатларини ифода-лаш билангина чекланмаслигига эътибор қаратиш лозим. Аксинча, гендер тенглик таъминли ҳар икки жинс вакилларнинг ўз ора ва мақсадлари сари дадил одимла-ши, ҳаёт сифатини ошириш учун бир хил имкон бериш ке-раклигини кўзда тутати.

Ривожланган ҳуқуқий давлат ва демократик жамият талабларидан бири — эркек ва аёл ҳуқуқлари тенглигининг таъминланишидир. Биноба-рин, гендер тенглик, яъни эркеклар ва хотин-қизлар тенг-лиги инсоннинг асосий ҳуқуқ-ларидан бири ҳисобланади.

Шу маънода "Хотин-қиз-ларнинг меҳнат ҳуқуқлари ка-нонлари кучайтириш тўғрисида-

риш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида" - ги Президент қарори қабул қилинган айни мuddао бўлди. Қарор ижроси доираси-да, жумладан, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия, Олий Маж-лис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалала-ри кўмитаси ташкил этилди.

Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳам алоҳида эътибор маркази-да турибди. Шу мақсадда "Аёллар дафтари" тизими жо-рий этилиб, давлат бюджетидан ҳар йили 300 миллиард сўм маблағ ажратиб бориш йўлга қўйилди.

Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчисиз йўқ ёлғиз аёлларнинг ўқиш тўловлари-ни қоплаб бериш тизими жо-рий этилди. Олий ўқув юр-тларига қабул қилишда эҳти-ёжманд оилалар қизлари учун грантлар сони икки ба-раварга ортди.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 224 минг нафардан ортиқ хо-тин-қизга 6,9 триллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди.

Соҳада амалга оширилаёт-ган ишчилохотларнинг ана

шундай натижалари халқаро рейтинглардаги мамлақати-миз ўрнига ижобий таъсир кўрсатаётгани муҳим аҳамият-га эга. Жумладан, Жаҳон бан-кининг "Аёллар, бизнес ва ко-нун" индексида Ўзбекистон 2020 йилда хотин-қизлар ҳу-қуқлари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик исло-хотларни амалга оширган 27 та давлат қаторига киритил-ди ва 5 поғонага юқорилаб, 190 та давлат орасида 134-ўринни эгаллади.

Бугунги кунда Ўзбекистон-да хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлақат ижтимо-ий-сиёсий ҳаётида кенг иш-тирок этишига эришиш, ген-дер тенглик ва репродуктив саломатликни таъминлаш бў-йича амалга оширилаётган давлат сиёсатини жаҳон ҳам-жамияти эътирофи этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси до-ирасида мамлақатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва эркин-ликларини ҳар томонлама таъминлаш йўлида улкан қадамлар қўйилди. Давлати-миз раҳбари яқинда эълон қилган "Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси"



◀ (Бошланиши 3-бетда)

Д.Ҳалимовга қўйилган айб ҳам анча жиддий. Судда исботини топган ҳолатларга қараганда, унинг 237,2 миллион сўмлик газ баллонларини С.Эрназарова билан ўзаро келишган ҳолда талон-торож этганини тасдиқ-ловчи далиллар етарли эмас. Қола-верса, унинг эгаллаган вазифасига ҳуқуқ, мансабдор шахс ҳисобланиши ҳақидаги даъво ҳам асосли эмас. Унга жамоанинг 9,9 миллион сўмлик мулкни ўзлаштириш юзасидан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмига мувофиқ эълон қилинган айб ҳам нотўғри малакаланган.

Ўзгаларнинг 30,4 миллион сўмлик мол-мулкни ўзлаштириш ва растра-та қилиш бўйича эълон қилинган айб далил-исботларга эмас, балки таҳ-мин ва шубҳа-гумонларга асосланган. Аҳолидан йиғиб олинган ва истеъмол-чиларга етказиб берилмаган 4,8 мил-лион (қонунга кўра, бу оз миқдорни ташкил этади) сўмлик суюлтирилган табиий газ учун жавобгарлиқни жи-ноий эмас, балки маъмурий тарзда кўриб чиқиш зарур.

Шу муносабат билан суд Д.Ҳали-мовни Жиноят кодексининг 209-мод-даси 2-қисми "а" банди бўйича айб-лашга қаратилган даъво ни ўзгартир-ди. Айб ушбу кодекснинг 228-модда-си 1-қисмига қайта малакаланди. Ко-декснинг 228-моддаси 2-қисми "а,б" бандлари бўйича қўйилган айблов қилмиш содир этилмагани сабабли бекор қилинди. Судланувчи ушбу мод-да бўйича ҳам оқланди. Таассуфки, айбланувчининг баъзи қилмишлари рецидив жиноятлар содир этилгани-дан далолат беради. Қайд қилиниши-ча, Д.Ҳалимов илгари ҳам айнан шун-дай жиноий қилмишга қўл урган. Ху-сусан, 2018 йил Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди, 228-моддаси 1-қисми бўйича жиноий жа-зога тортилган. Фақат у тайинланган жазодан 2019 йили мuddатидан ил-гари шартли равишда озод қилинган. Шундай бўлса-да, қилмишидан тўғри хулоса чиқариб, тузалмиш йўлга кир-

маган. Айнан шундай қилмишга та-қрир қўл урган. 2020 йил 8 июндаги текшириш далолатномасига кўра, у бу галги жиноий қилмишни қасддан со-дир этган. Яъни 9,9 миллион сўмлик мол-мулкни талон-торож қилган, 791 та газ босимини меъёрловчи ускуна-ларни ўзлаштирган. Қонун айнан шу хилда қасддан ва такроран содир қи-лингган жиноий қилмишларни реци-див жиноят сифатида баҳолайди. Суд бу ҳолатларни назарда тутар экан, Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" бандига биноан қўйилган айбни унинг зиммасидан соқит қилди. Қилмиш ушбу модданинг рецидив жи-

Жиноятга жазо муқаррар

Хиёнат у жамоат мулкни ўзлаштириш асосида намоён бўлди

ноятларни назарда тутувчи 2-қисми "б" банди асосида баҳоланди. Айни пайтда Д.Ҳалимовни мансабдор шахс сифатида эътироф этиш ҳақидаги масалага ҳам ойдинлик киритилди. Жиноят кодексининг 8-бўлимида қайд этилишича, ҳокимият вақили ёки таш-килий бошқарув, маъмурий хўжалик ваколатлари ёхуд юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оши-ришга ҳақли бўлган шахсларга ман-сабдор шахс ҳисобланади. Д.Ҳали-мовнинг зиммасига бундай ваколат-лар юклатилмаган, бу ҳолат унинг хиз-мат вазифасига оид йўриқномада ҳам қайд қилинмаган. Шу боис уни ман-сабдор шахс сифатида эътироф этиб бўлмайди. Суд қонуннинг ушбу тала-бага риоя қилди. Айбланувчини ман-сабдор шахс сифатида эътироф этиш ҳақидаги даъво жиноят ишидан чиқарилди. Шунингдек, суд ҳар икки суд-ланувчининг қилмишида қалбақиллаш-

тиришга доир такрорий қонунбузар-лик ҳаракати мавжуд эмас, деган ху-лосага келди.

Суд мажлиси жараёнида С.Эрна-зарова айбига тўлиқ, Д.Ҳалимов қис-ман иқдорлик билдирди.

Фуқаровий даъвогар — "Хива ту-мангаз" филиали раҳбари К.Абдул-лаев судда кўрсатма берар экан, ўтказилган текширишда чиндан ҳам, камоманд аниқлангани, суюлтирилган газ баллонлари учун моддий жавоб-гарлик С.Эрназарованинг зиммасига юклатилгани, 1.535 та ускунага оид ҳужжатларни топишнинг иложи бўлмагани, бу ножиозликни аҳоли



хонадонларига бориб сурштирув ўтказиш йўли билан бартараф этиш мумкинлигини таъкидлади. Етказил-ган 237,2 миллион сўмлик камоманд С.Эрназарова, табиий газ босимини меъёрловчи 791 та редукторни та-лон-торож қилиш оқибатида юзага келган 9,9 миллион сўмлик зиён Д. Ҳалимов томонидан қоплагани, шу муносабат билан ҳар икки айбланув-чига нисбатан даъвоси йўқ эканини маълум қилди. Судда иштирок этган ўн нафардан зиёд гувоҳлар эса, ту-мангаз филиалида юз берган жино-ий қирдорнинг содир бўлиш сабаб ва тафсилотларини очик-ойдин баён этишди. Бу ҳолатларнинг бари ишни холис ва адолатли кўраб чиқиш, суд-ланувчиларга нисбатан қонуний жазо тайинлашга асос бўлди.

Бинобарин, ҳар икки судланувчи-нинг айбига иқдор ва қилмишидан пушаймонлиги, оилавий аҳоли, ет-

номли муҳим концептуал ҳужжатда ана шу ислохот-ларнинг узвийлиги ва даво-мийлигини таъминлаш мақ-садида "Ҳаракатлар стра-тегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари" деган тамаюил асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тарти-бидан жой олди.

Авалло, Ўзбекистон Прези-дентининг янги стратегик дастурига бу борада алоҳи-да Миллий дастур қабул қилиш режаси киритилгани диққатга сазовор. Бўлажак Миллий дастур мамлақат хо-тин-қизлари бандлигини таъминлаш, давлат ва жа-мият бошқарувидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, уларнинг ўз салоҳиятини на-моён этишлари учун шароит-ларни кенгайтириш, гендер тенглик, оила, оналик ва бо-лаликни ҳимоя қилиш бора-сидаги ишларни янги бос-қичга кўтаришдек эзгу мақ-садларга хизмат қилади.

Бундан ташқари навқирон ёшларимизни, айниқса, қиз-ларимизни соғлом ва етук этиб тарбиялаш, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, Ватанга му-ҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар ру-ҳида камол топтириш ишлари бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказида бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги вақтда хонадонлари-мизнинг файзу фариштаси бўлган, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тар-биялашга муносиб ҳисса қўша-ётган аёлларимиз барча исло-хотларимизда фаол иштирок этмоқда. Бу, ўз навбатида, хур-матли оналаримиз, опа-син-гилларимизга доимий эъти-бор ва ғамхўрлик кўрсатиш Ўзбекистонда амалга ошири-лаётган давлат сиёсатининг узвий қисми бўлиб келаётган-нинг ёрқин далолатидир.

Ойдин ИБРОҲИМОВА, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг Матбуот хизмати ходими

Кизиқарли фактлар

Кўпчилик дунёга машҳур инсонларни омади чопган деб ҳисоблайди. Аслида улар ҳам дастлаб омадсизликни бошидан ўтказишган. Куйидаги маълумотлар ҳам буни яққол тасдиқлайди.

Омад калити: у ҳақиқатми ёки афсона?

Машҳур олим ва ихтиро-чи Томас Эдисонга ёшлиги-да ўқитувчилари бирор нар-са ўргатиб бўлмайдиган қобилиятсиз бола деган таъриф беришган. Бироқ кейинчалик у тиришқоқлиги ва интилувчанлиги боис та-



ниқли олим бўлиб етишган. Бундан ташқари у кўплаб фойдали ихтиролар муал-лифидир. Масалан, у ҳозир бутун дунёда ишлатилади-ган лампочкани минг марта синовдан ўтказгандан сўнг-гина яратишга муваффақ бўлган.

Яна бир машҳур киноакти-ёр Чарли Чаплиннинг чи-қишларини ҳам дастлаб ме-нежерлар илиқ кутиб олиш-мади: улар актиёрнинг рол-ларини одамлар тушуниши учун жуда ҳам чигал дея ба-ҳолашди. Лекин омади чоп-ган Чарли Чаплин Амери-канинг биринчи рақамли кино юлдузига айланди.

Япониялик миллиардер Соитиро Хонда "Тойота" компаниясига муҳандис си-фатида ишга жойлаша ол-мади. Ишиси қолган Хонда мотоцикл бизнесини бош-лайди ва бу борада катта ютуққа эришади.

Газета бош муҳаррири Уолт Диснейни "хаёл ва та-саввурдан маҳрум ходим" сифатида ишдан бўшатади. У бир нечта кинокомпания-ларда омадини синаб



кўрди, аммо уларнинг бар-часи мағлубият билан яқун-ланди. Аммо кейин Дисней "Оппогой" мультфильмини суратга олди ва бугунги кунда болаларнинг ақсария-ти ушбу мультфильми се-виб томоша қилиб улғай-моқда.

Исаак Нютон нўноқлиги сабабли оилавий ферmani бошқаролмаган. Бу қарин-дошларининг хафсаласини пир қилган. Бироқ кейинча-ли у Кембриж университет-ида тахсил олди ва таниқ-лим олим бўлиб етишди.

Жоан Роулинг "Гарри Поттер" асарини ёзганга қадар ишсиз ва ёлғиз қизи-турасига эътиборига ҳавола қилинган.



Ҳақ жойида қарор топди. Жамоат мулкига хиёнат қилганларга қонуний жазо тайинланди. Аммо масалани бошқа жиҳати ҳам бор. Гап шундаки, баён этилган ушбу воқеа кўпчилик, би-ринчи галда ушбу корхона мутасад-дилари кўз ўнгида илди этгани ва бўй кўрсатганини ҳеч ким инкор этол-майди. Аслида қалби пок, соф виж-донли, иймон-эътиқодли одамлар ён-верида ниш урган нопоқликка бефарқ ва лоқайд қарашмайди. Шу боис со-дир этилган жиноий қилмишларни "кўрмай, билмай, пайқамай" қолган "ёшулли"ларнинг хатти-ҳаракатла-рини ҳам оқлаб бўлмайди. Демак, бу-ндан тегишли хулоса чиқариш зарур.

Муродбек ҲАСАНОВ, жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди раиси Абдулла СОБИРОВ, "Куч — адолатда" муҳбири

табиий. Нуфузли "The Daily Telegraph" журнали ўтказган сўровномада хорватиялик оддий мусиқа ўқитувчиси Фран Селак охириги минг йилликнинг энг омадли ода-ми деб топилган. Ҳақли са-вол туғилади: хўш, Селак-нинг омади нимада?

Гапни узоқдан бошласак, Фран Селак бахтли тасодиф туфайли етти марта ўлим-дан қутулиб қолган.

Илк марта у кетаётган поезд йўлидан чиқиб кетиб, дарёга кулаган. Селак дарё-дан сузиб чиқишга муваф-фақ бўлган. 17 нафар йўлов-чи дарёга чўкиб кетган. Ке-



йинги йил Селак биринчи бор самолётда сафарга чиқ-қади. Техник носозлик ту-файли самолёт ҳалокатга уч-райди. Самолётдаги 19 ки-ши ҳалок бўлади. Аммо портлаш содир бўлишидан сал олдин у самолёт эшиги-дан пастга сакрайди ва тўппа-тўғри пичанхонага ке-либ тушади.

Уч йилдан сўнг у автобус-да кетаётганда автоҳалокат рўй бериши оқибатида ав-тобус дарёга қулайди. Сел-лак яна хафсиз жойга су-зиб чиқишга урдадиган. Унинг 3 шериги эса чўкиб кетган. 1970 йилда Селак ҳайдаб кетаётган автомаши-нада тўсатдан ёнги содир бўлади. Омадни қарангли, у ёнги баки портлагунча машинадан тушиб қочибга улгуради.

Орадан уч йил ўтгач, у ав-томашинада рўй берган но-созлик боис яна ўлиб кети-шига бир баҳа қолган. Ёқилги насоси бузилиб, қизиб кетган бензин мотор-га сарчаган ва кучли аланга пайдо бўлган. Селакнинг сочи бутунлай куйиб кетган бўлса-да, тирик қолган.

1995 йилда уни Загребда автобус уриб юборади, аммо озгина жараҳатлар олади, холос. Бир йилдан кейин олдида қиқиб қолган одамларни уриб юбормас-лик учун автомашинасини йўлдан четга буришга маж-бур бўлган. Оқибатда маши-на 90 метрлик пастликдаги жарга кулаган, аммо Селак жарлик лабидаги дарахтга осилиб қолган.

Энг қизиғи, Селак 2003 йилда лотерея ўйнаб 1 110 000 АҚШ доллари ютиб олди. Шундан сўнг у икита уй ва қайиқ сотиб олиб, қол-ган пулини қариндошларига бўлиб берди. Ҳозирги пай-тда у дунёнинг энг омадли инсон сифатида қариллик гаштини сурмоқда.

Кўриниб турганидек, омад ҳаммаша инсон билан ёнма-ён юради. Фақат у ай-римларга эрта, бошқаларга эса кечроқ кулиб боқиши мумкин. Шу боис "омадсиз-ман" дея асло ўкинманг. Ак-синча, изланиш ва инти-лувчанлик эришган илк мил-лиардер ёзувчи ҳисоблана-ди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу ўринда дунёдаги энг омадли инсон қилмиги кўпчиликини қизиқтириши Интернет материаллари асосида Ҳумоюн МИРЗО тайёрлади.

Куч — адолатда
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ
Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор
ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллари: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-115 Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ,
Сотувда эркин нархда. Адади: 7255
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22<sup>00</sup>. Топширилди: 22<sup>30</sup>.